



О'QSHKENT



ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЕСИЙ
ГАЗЕТАСИ

О'QSHODISI

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 73 (9.265) 1999 йил 25 июнь, жума

Сотувда эркин нархда



ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблари

САВОЛ. Мухтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятга ҳаётининг жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқиши сезиларли даражада кучайди. Бу ҳусусда турлича қарашлар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?

ЖАВОБ. Дарҳақиқат, бугун жамятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришлар, одамларимиз-

нинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига таъовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданок энг олий мақсадимиз — юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамят

барпо этиш, ҳаётининг ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш гоёларини очик-ойдин баён этганмиз. Утган саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машаққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдинки олиш ва бартараф қилишга интилиб келмоқдамиз.

(Давоми 2,3-бетларда.)

БИШКЕК УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатлар раҳбарларининг навбатдаги Бишкек учрашувида иштирок этмоқда.

БИШКЕК, 24 июнь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қирғизистонга келди. Бишкек аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев кутиб олди.

«Ола арча» қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур мамлакатлар делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари давомида иқтисодий интеграция қўламлигини кенгайтириш ва хавфсизлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Музокаралар давомида Украина, Грузия, Туркияни Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига кузатувчи сифатида қўшишга келишиб олинди. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев давлат раҳбарлари кенгашининг раиси, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Нуралиев ҳукумат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб тайинланди. Давлатлараро кенгашининг навбатдаги йиғилишини Тожикистон Республикасида ўтказишга қарор қилинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. Матбуот анжуманида Президентлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

(ЎЗА).

Транспорт

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

«Ўзавтосаноат» ассоциациясига қарашли «Автосанкомплект» акционерлик жамияти юртимизда транспорт соҳасидаги маркетинг ишларини олиб боради. Ҳойларда янги йўналишларни ташкил этиш борасида ҳам изланишлар олиб бориб, замон талаби даражасида иш юритади.

— Биз ўтган йили Туркиядан сотиб олинган 20 та «Отайул» номли мини-автобусларни ҳойларда фойдаланиш, лозим бўлса хоҳловчиларга сотиш ишлари шугулландик, — дейди бошқарув раиси Гулчехра Аҳмедова. — Бу мини-автобуснинг

ихчамлиги, қулайлиги кўпроқ эътиборга олинади, Асака ва Қўқон шаҳарларида йўловчилар учун хизматга қўйди. Мана яқиндан бошлаб эса Тошкент шаҳрида янги 45-йўналишни очди. Бу йўналишда ҳозирча 6 та автобус қатнаб турибди. Катнов оралиги «Мустақиллик майдони» метро бекатидан «Янгиобод» улгуржи савдо маркази бекати ўртасида. Йўл ҳақи 25 сўм. Янги йўналиш айни вақтда тажриба тариқасида кузатишмоқда. Биз йўловчиларнинг талаб ва истакларига қараб қатнов оралигини узайтиришимиз, яна янги йўналишлар очилиши мумкин. Зеро, бу борада ҳам изланишлар олиб боришмоқда.

Гулбаҳор МҮМИНОВА.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 июнь кунги Оқсарой қароргоҳида ваколат муддати тугаши муносабати билан Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обатани қабул қилди.

Вазирлар Маҳкамасида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, кенгаш раиси Ҳ. Султонов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов раҳбарлигидаги депутатлар гуруҳи Хо-

разм вилоятида бўлиб, воҳа меҳнаткашлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдилар. Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси якунлари ва Президентимиз Ислам Каримовнинг сессиядаги маърузаларида қайд этилган вазифалар учрашувларнинг асосий мавзуи ва моҳиятига айланди.

Бухоро вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Президентимиз Ислам Каримов вилоят галлакорлари ва барча меҳнаткашларига йўллаган тадбиргидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Сурхондарё вилояти ҳокимлигида ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг яқинда вилоятга қилган сафари чоғида билдирган фикр-мулоҳазалари, йўл-йўриқларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Жиззахликлар Мустақиллик байрами арафасида ажойиб соғва олишди. Шаҳар марказида янги спорт мажмуаси ўз эшикларини очди.



ЖАҲОҶОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби Кофи Аннан Тоғли Қорабонда юз берган қуроли тўқнашув муносабати билан жиддий ташвиш билдирди. У Арманистон ва Озарбайжонни ўзаро куч ишлатмаслик ҳамда мавжуд келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишга чақирди.

АҚШ Косово озодлик армиясини қуролсизлантириш тўғрисидаги битим имзоланганлигини тасдиқлади. Ушбу ҳужжат матни НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳига юборилди.

Кеча Қозоғистон парламентида ҳукуматга ишонч масаласи бўйича овоз бериш тадбири бўлиб ўтди.

Ўтган ҳафта Олмониянинг Кёльн шаҳри мутасаддилари ва маъмурулари учун анча ташвишли бўлди. Бу ерда дунёдаги 8 та мутарақий давлатлар бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдаги учрашуви бўлиб ўтди.

Кеча Алматыда Европа театри кўнлари бошланди.

Абхазиянинг Гальск туманида мина портлашидан йўловчи автобус қаттиқ зарарланди. Ҳожева туфайли 3 киши ҳалок бўлди, 13 киши турли огирликдаги тан жароҳати олди.

Италияга қарашли бронетранспортерлар колоннаси қоршанба кунги Косово жангарилар томонидан ўққа тутилди. Италияликлар ҳам қаттиқ ҳужумга ўтирди. Бахтли тасодиф туфайли қурбонлар бўлмади.

Кеча Римда 20 йиллик таъмирлашдан сўнг император Нейрон саройи очилди.

Хиндистон армияси вакили Қашмирдаги ҳарбий тўқнашувлар натижасида 50 дан ортиқ покистонлик солдатлар қурбон бўлганлигини маълум қилди.

Эртага Будапештда ЮНЕСКО бошчилигида ўтаётган «Фан — XXI асрда» Бутуниттифоқ форуми ўз ишини бошлайди. Анжуман 1 июлгача давом этади.

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азия ва бетакор юртининг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мана шу қалтис, ўта мураккаб, ҳаёт-мамотиимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳаммиса бош қотириб келман.

Хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» китобимда, кейинги вақтдаги нуқт ва чиқишларда, «Тафаккур» журнали, «Туркистон» газетаси, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани огохликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Уйламанки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олға босиши, тараққиёт тоғлан давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тўқиб бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бўлиши қарши очик ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзига тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни танқидий баҳолайдиган бўлсак, кўп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан ўралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очик тан олишимиз даркор: баъзи бир хомахаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён теп-текис, силлиқ, ҳеч қандай курашларсиз ўз йўли, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётганда туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва ишоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йўлида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йўлида ҳеч қутилмаган, оғир тўсиқларни енгиш эвазига

кўлга киритилаётганини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-гоҳ эслатиб турилса, фойдандан холи бўлмайди.

Ваҳоланки, кейинги саккиз-ўн йил ичида давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирини қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз не-не қийинчилик ва тўсиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардос ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир кураш кечаяётганидан оғох бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг кўламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: **агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз ҳушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай-сезмай қолишимиз мумкин.**

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизини да ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузада мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан **биринчиси** мамлакатимиз ташқарисидида тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқ дала.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сўнгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб — ваҳобийлик дейсизми, «Ҳизбут-тахрир» дейсизми, «Муслмон биродарлар» дейсизми — ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг кўлга тушган баъзи бир маҳаллий «доҳийлар» берган кўрсатма ва иқдорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечганига эмас, балки 80-йиллардан илдииз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларда жойлашган, бизни ўз таъсирига олмақчи бўлган марказлар турган.

Уша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий «доҳийлар» ўз фао-

лиятини юртимизда ўта маҳфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқилар аввало ўзлари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги наст айрим ёшларни алдаб-судлаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кўндириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай маҳфий тарзда кўпуровчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари туганганидан сўнг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

Иккинчи хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўрولмайдиган, турли баъзоҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлиғидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин бўлган мана шу икки омил ҳақида чўқур фикр-мулоҳаза юритган одам ўзини қийнаётган кўп-кўп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий башарасини, **ғаразли** мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъийимиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда бўлсин — ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зуравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этишимиз. Аввало яқин кўшилларимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёримиз.

САВОЛ: Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчиларнинг ақсариятини ёшлар ташкили қилади. Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон ақлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жиянот кўчасига кириб қолди?

ЖАВОБ: Мен кўна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бўшлиқ бўлмагандек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқарашни, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмуни ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз

ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо бўлади. Кўп нарса албатта инсоннинг ўзига ва унинг тарбиясига боғлиқ. **Аммо бир ҳақиқатни чўқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таъбиб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётини манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.**

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, бари бир ўз қалбида муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эътибоз сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтганда, уларнинг эс-хуши кечроқ, яъни бошига бир мусибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганда қиради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди. Бизга эски тузумдан пахта яккахожимлиги, заҳарли дорилар билан қўпланган даладар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар бўлган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотиимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шўқри, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай, бутун собиқ шўро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб ўтишга муяссар бўлдик. Бугун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамаддан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевоСИТА иштирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис уларни бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. **Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатиимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларини эслаш кифоя, деб ўйлайман.**

Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат

соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгиб-елли фикрлар билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор воёрга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбига миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўз-инини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципларга тарафдоримиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир. Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетаяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб бормаяпти, тажрибасиз, гўр, билми, дунёқараш чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижанда улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига кўл қалқурчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишни ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашган қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдиролмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб берадию кейин қотиб туравереди — учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустамлакачилик жабрини, қарамлик фожиясини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай кўринишини юрак-юрагидан рад этади. **Бошқача айтганда, энди елкасига оғтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишинини қайтадан қиймайди.**

Давлатимиз адабиёт хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир қарра тасдиқлади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт қорига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.

(Давоми 3-бетда).

ҲУШЎЁРЛИККА ДАЪВАТ

(Давоми.

Боши 1-, 2-бетларда).

Сизнинг саволингизга қайтиб, кўшимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, **баъзи ўринларда, афсуски, кеч қоляпмиз.**

Нима учун кеч қоляпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тўздан ислоҳ қилишга қаратилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиҳдий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгица гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутеликдан озод дунёқароши билан танишганимизда ўзимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу боғлиқ сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси — неवासини кўргандек бўламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени ўйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида рўй бераётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмаётган. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу — бор ҳақиқат.

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни кўз олдимига келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда кўп иш олиб бориши кераклигини ҳам англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечимини айни шу масалалар тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб билмайдиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илгор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата билмайдиган, бу мурак-

қаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кўчаларидан **Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.**

Айтинг-чи, шундан кейин биз ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиник, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб бўладими? Улар пана-пасткамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига қирадимки? Умирида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, ўзини оқ ювиб оқ тараган эл-юртига қўл кўтариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқпадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан ўтиб кетган аждодларнинг қадрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чиқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида имон-инсофи, дённати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

САВОЛ. Ҳурматли Ислоом Абдуганевич, мавжуд вазиятда маънавий-мафкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни тақомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?

ЖАВОБ: Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик. Бу даврда омман сохта гоғларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф бўлмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шугулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бўғинидан энг куйи қатламларига бу тизим ўзининг кучли таъсирини ўтказар эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улурроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий аҳборот ва ўқишлар, машгулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслади. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага — одамлар онгида бўлиш пайдо бўлмаслигига қаратилган эди. Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади — шу режими керак бўлган мафкура ни кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда «Ассалом, рус халқи, улуг оғамиз!» деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шўро даврида мафкура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламасада, сохта гоғларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга эриша оларди. **Бу ҳақда ўйлаганда мени бир савол қийнайди. Неге энди шўро ҳукумати ўз сохта гоғларини омма онгига сингдира**

оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий гоғимизни одамларимиз қалбига сингдира олмаимиз?

Менинча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик **жамият қураб эканмиз, мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарошини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик.** Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз — инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барпо этишдан иборат. Иншоллох, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил топиш мумкин. Аммо миясига хомхалд вассасаси зулукдай ёпишиб олган, на қонунни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассиб тўдалар билан қандай мурося қилиш мумкин?

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура — миллий гоғининг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгарти ҳам қайтатўғрига айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илгор фикрли зиёвчилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий ҳулосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, **мафкураимизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.**

Айтинг-чи, миллий мафкура ни аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан турби бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий гоғ, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгариштириш, уларни умумлашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озик нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган мас-

лани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарошини ўзгариштириш, кўзини реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёвчиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. **Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озикнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очиб айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.**

Бунинг учун эса авваломбор миллий гоғ, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан куриш йўлидаги сазй-харакатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу гоғларни бойитиб-ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор?

Биринчидан, мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодалат, мустақил ташкилотлар фаолиятини тақомиллаштириш, уларнинг имкониятидан тўла фойдаланиш зарур. **Токи бу ташкилотлар ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, бизга реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, ҳолисона, ҳаққоний, ҳулосалар берсинлар.** Ва жамиятни эски асоратлардан ҳалос этиш дунёқарошимиз, маънавиятимиз ва мафкураимизни юксак босқичга кўтариш йўлларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кенгашилари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

Иккинчидан, вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиги марказининг жойлардаги бўлимлари қошида **маърифий тарғибот кенгашларини тузиш лозим.** Бу кенгашлар таркиби эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, кўпни кўрган, жонқур, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойий инсонлардан иборат бўлиши керак.

Учинчидан, мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шугулланадиган мутаассадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

Тўртинчидан, мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий

ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тўғрақлар тузиш керак. Улар ўғил-қизларимизни ўзлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурини даъво қилишга келишига йўл қўймаслиги лозим.

Модомки, ёшларни фикрлашга ўргатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очикроқ айтадиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гўдаклигидан юз-кўлини ювишга ўргатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрафига ўтириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум ўринларда ўзини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шахс, аввало ёш авлод қалбига жамият, эл-юрт, кўйингки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажақ ёшлариники, деган гапни кўп айтганимиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз заммирида ана шу олижаноб мақсад муҳасам. Биз шу азиз дийрда нафақат фарзандларимиз, балки неварачавараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиршини, Ўзбекистон деган юрт, ўзбек деган ном дунё турғунча туришини истаймиз.

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавият нуқтаи назаридан қараганда улкан ғурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу кутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий ўзлигимиз ва умуминсоний кадрятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

27 июнь — Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ЖУРНАЛИСТЛАР ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти ниҳоятда муҳимдир. Улар ўз муштарийлари, мухлислари, тингловчилари-ни янгиликлар билан таништирибгина қолмай, балки энг муҳими уларнинг дунёқара-шини, маънавиятини шакллантирадилар.

Ватанимизнинг давлат мустақиллигига эришиши Ўзбекистон журналистлари олдига жуда катта имкониятлар очди. Мустақиллик оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз ижодий имкониятларини тўла намойён қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Зеро улар республикамиз фуқароларини ватанпарварлик, мустақиллик ғоялари, чуқур қайта ўзгаришлар қилиш зарурлигини тегаран ҳис этиш руҳида тарбиялашга даъват этилгандир.

Жамият маънавий ҳаётининг бу муҳим соҳаси учун жавобгарлиқни чуқур ҳис этган журналистларимиз уч йил олдин Ўзбекистон Республикаси оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг ижтимоий-сиёсий фондини ташкил этиш ташаббуси билан чиқиди.

Мамлакатимиз раҳбарияти бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Президентимиз Исроил Каримов ҳам фондининг барпо этилишини юқори баҳолади.

Юртбошимизнинг олдимизга қўйган чуқур ва аниқ-равшан топшириқлари зиммамизга қатор долзарб вазифаларни юклайди. Янги ташкилот тузилганидан бери орадан кўп вақт ўтгани йўқ, лекин анча-мунча ишлар қилинди. Фонд журналистларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш бора-сида кўп тadbирларни амалга оширмоқда, оммавий ахборот воситалари билан бошқа ташкилотларни бирлаштириб турувчи марказга айланишга ҳаракат қилмоқда.

Фондининг Тошкент бўлими фаолияти ҳам айна ўша вазифаларни адо этишга қаратилган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг энг асосий ютуқларидан бири шундаки, журналистларга эътибор, улар тўғрисида гамхўрлик ҳар томонлама кучайди. Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари ходимлари кунининг мамлакатда биринчилардан бўлиб профессионал байрам сифатида нишонланиши ана шу гамхўрликнинг энг яқин ифодасидир. Бу байрам журналистларнинг энг завқли, сеvimли анъанавий байрами бўлиб қолди.

Фондининг Тошкент бўлими мана уч йилдирки Ўзбекистон пойтахтининг энг гўзал, шинам истироҳат боғларидан бири — Мирзо Улуғбек номидаги боғда байрам сайли ўтказди. Байрам дастурига кўра оммавий ахборот воситаларининг энг яқин ходимлари, фахрийлари муборакбод этилди, уларга эсдалик совғалари, қимматбаҳо буюмлар топширилади.

Атракционлар фонд маблағлари ҳисобига бепул ишлайди, бадий ҳаваскорлик тўғралаклар, профессионал артистлар концерт беришади.

Тошкент бўлими ўтказётган яна бир тadbир ҳам анъанавий бўлиб қолди. Бу «Бойчечак» теннис турниридир. Шуниси кувонарлики, унда иштирок этаётганларнинг сони йилдан-йилга ортб бормоқда. Бу йилги турнирда фақат Тошкент шаҳри журналистларига эмас, шунингдек республиканинг бошқа вилоятлари журналистлари ҳам фаол қатнашдилар. Ғолиблар ва мусобақа иштирокчилари қимматбаҳо мукофот ҳамда совринлар билан тақдирландилар. Масалан, бу йилги турнир ғолибларидан бири — «Авто-Престиж» журнаלי ходими Айрат Улалов Ўзбекистоннинг энг яқин саторийларидан бирига йўлланма билан мукофотланди.

Турли жанрларда энг яқин мавзудаги асарлар учун журналистлар ўртасида танловлар ташкил этиш ва уларни ўтказишни Тошкент бўлими ўз фаолиятининг энг асосий ва муҳим йўналишларидан бири деб ҳисоблайди. Оила йилга бағишлаб

ўтказилган «Буюк ва аҳил оила» танлови ниҳоятда мароқли ўтди, унда журналистлар фаол қатнашди. Шуқур Дадашев оила. Она Ватан ҳақидаги шеърий достони учун биринчи ўринни эгаллади. Биринчи ўридан ташқари, иккита иккинчи ва учта учинчи ўринни эгаллаган журналистлар ҳам аниқланди.

«Бу менинг оилам» танлови ҳам анча қизиқарли ўтди. Уни Тошкент бўлими шаҳар ҳокимияти ва Ўзтелерадиокомпанияси «Тошкент» студияси радиоси Бош муҳарририяти билан ҳамкорликда ўтказди. Унинг ғолибларига ҳам қимматбаҳо совғалар топширилди.

Бу йил хотин-қизларимизга бағишланган танлов ўтказилди. Ишончим комилки, танлов иштирокчилари ўзларининг янги, ажойиб асарлари билан бизни хурсанд қилишди.

Фонд бўлими ўз имкониятлари даражасида журналистларга моддий ёрдам кўрсатишга интилади, лекин журналистларимиз маънавий қўллаб-қувватлашимизни катта мамнуният ва миннатдорчилик билан қабул қилишади. Биз «Тракторсозлар — тракторсозроителар» газетаси тахририятининг ўттиз йиллиги, Ўзбекистондаги энг кеска кўп нускали газеталардан бири «Мотор» газетасининг етмиш йиллиги тантаналарида иштирок этдик.

Тошкент бўлими ўз ишини аниқ режа асосида, изчил олиб боришга, доимо ишнинг янги шакли ва усулларини қидириб топишга ҳаракат қилади. Биз «Оммавий ахборот воситалари тахририятлари қошида журналистларга ёрдам берувчи ташаббускор гуруҳлари тўғрисидаги Низом»ни ишлаб чиқдик. Мазкур Низом журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, самарали ижодий меҳнат қилиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиш сингари йўналишлар бўйича кўмаклашишни кўзда тутди.

Биз истиқболни қўлаб иш тутар эканмиз, «Тошкент шаҳар оммавий ахборот воситалари ходимларининг ижодий имкониятларидан тўла фойдаланишни таъминлаш юзасидан 1999—2000 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури»ни ишлаб чиқдик.

Яқин кунларда фондининг Тошкент бўлимида шаҳар кўп нускали газеталарининг муҳаррирлари билан ишлашга кўпроқ эътибор беришга қаратилган қатор тadbир-чоралар ишлаб чиқишни назарда тутаямиз.

Бизнинг асосий мақсадимиз — келажак буюк давлат қуришда мўқаддас ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўиш, биринчи навбатда ўз мустақил Ватани учун фахрлана оладиган, унинг гам-ташвиши билан яшайдиган асл ватанпарвар инсонни тарбияладир.

Биз фақат бугунги кунимиз билан яшай ола-маймиз, тadbирларни шунчаки ҳўжакўрсинга ўтказишга маънавий ҳаққимиз йўқ. Биз истиқболни кўра олишимиз, эртанги кун ташвишлари билан яшашимиз, ўзимиздан кейин авлодларга нималар қолдиришимиз тўғрисида ўйлашимиз керак.

Менимча, мамлакатимизда юз бераётган туб қайта ўзгаришларда фаол иштирок этиш, самарали ишлаш учун фондда етарлиқ, мустақам замин яратилган. Энди энг муҳими эришилган ютуқлар билан қаноатланиб, ярим йўлда тўхтаб қолмаслик, аксинча фаолиятимиз самарадорлигини оширишнинг аниқ, истиқболли йўлларини яна ҳам дадил, изчил қидиришимиз керак.

Абдулла СУЛАЙМОНХЎЖЕВ,
Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш, қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди Тошкент шаҳар бўлими ижрочи директори.

Чет эллик ҳамкасбларимиз ижодидан



ФОТОСУРАТЛАР КўРГАЗМАСИ

Йилдан-йилга Исроил Давлати ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида маданий алоқалар кенгаймоқда ҳамда мустақамланмоқда.

Маданий алмашин доирасида Исроил фотокўргазмаларини ташкил этиш яқин аънаъана айланади.

Шу йилнинг апрель, май ойлари исроиллик фотосуратчи Шай Гинот хонимнинг «Битие китобидан» фотосуратлар

кўргазмаси билан фақат тошкентликларгина эмас, балки «Сохнут-Яхудий Агентлиги ёрдамида самарқандликлар ва бухороликлар ҳам танишишга муваффақ бўлдилар.

Кўргазмани томоша қилиш — Исроил Ери, унинг манзаралари, қадимий ҳамда энг янги тарихи, археологик топилмалар, йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қилувчи муқаддас ерлар билан танишишга имконият бўлиб хизмат қилади. Кўргазмага тақдим этилган барча

суратлар Исроилда, Негрев саҳросида, Ўрта Ер денгизи, Кинерет ва Улик денгизлари соҳилларида, Галилея ўрмонларида ҳамда Хермоннинг қор босган ён бағирларида суратга олинган. Суратга тушириш жазирама ва қуруқ ёзда ҳам, совуқ ва ёмғирли қишда ҳам, кушларнинг учиб ўтиши даврида ҳам, бэхорги гуллаш вақтида ҳам амалга оширилган. Бу ерда суратга туширилган фантастик манзаралар бир-бирининг устига қўйилган иккита суратдан ташкил топган.

Шай Гинот Куддусда 1958 йилда туғилган. Касби бўйича биолог, 1984 йилда у Исроил Табиатни сақлаш жамияти бадий раҳбари сифатида фотосуратчи бўлиб ишини бошлади. Унинг фотосуратлари кўп марталаб газета, журнал ва китобларда чоп этилган ҳамда бестселлер бугун бадий альбомлар тўпламини ташкил қилган.



ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Бугунги кунимизни матбаа ва унинг турфа безакли маҳсулотларисиз тасаввур эта олмаимиз. Ўзининг турфа рангли ва жаҳон андозлари даражасидаги матбаа маҳсулотлари билан нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлардан ҳам буюртмачиларига эга бўлган «RASTR» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси жамоаси бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тadbиркорлик билан иш юритмоқда.

Истиқлол шарофати билан дунёга келган ушбу қўшма корхонада илгари хорижда босиб келирилган юқори сифатли рангли матбаа маҳсулотлари талаб даражасида чиқарилмоқда. Босмахона замонавий технология билан жиҳозланган бўлиб, уларни юксак малакали мутахассислар бошқармоқда. Корхонада ишчилар танлов асосида қабул қилинади, бу ҳам иш муваффақиятига салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Шуниси қувонарлики, жамоа аҳлининг баракали меҳнатлари кўрик-танловларда ҳам ўз аксини топмақда. Улар Юнусобод тумани тadbиркорлари ўртасида ўтказилган «Ташаббус — 98» танловининг ғолиби бўлдилар. Шаҳар танловида эса «Энг кўп маҳсулот экспорт қилган корхона» деб топилди ва диплом билан тақдирландилар. Чунки корхонада тайёрланган маҳсулотлар Германия, Голландия, Франция, Америка Қўшма Штатлари давлатларига ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Жорий йилда хорижга 700 миң долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Бу ишлаб чиқарилаётган умумий маҳсулот ҳажмининг 20 фоизга яқинини ташкил қилади.

Замонавий технология ва уни моҳирлик билан бошқараётган ходимларимизнинг савй-ҳаракатлари. — дейди корхона раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Обитон Соибназаров, — муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда. Бизда юқори сифатли хом ашёдан энг яқин

ши сифатли маҳсулотлар тайёрланади. Ишни 3 сменада ташкил этганимиз. Айниқса, оператор Орифжон Саидназаров, муқова чеҳи бошлиғи Аббор Мирзаев, босма чеҳи бошлиғи Рами Абдуллоев, ишчилардан Абдуносир Абдушоҳидов, Гулсина Шокирова, Яшнар Фаниева, Илмира Иброхимовалар касб байрамларини меҳнат ютуқлари билан кутиб олишмоқда.

Яна шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, корхона ўз маблағлари ҳисобидан янги чеҳни қуриб, битказди. Германиянинг «Хейделберг» фирмасининг энг замонавий босма машиналари билан жиҳозланган 2-чеҳ ишга тушган, ишлаб чиқариш ҳажми ортади ва маҳсулот сифати янада юқори бўлди. Шу билан бирга хорижга маҳсулот экспорт қилиш кўпаяди. Шунингдек, корхона ношир хўққини олди ва унинг қошида «Растр» журнали ташкил этилди. Касб байрамларини муваффақият билан кутиб олаётган бу матбаа ходимлари келгусида ҳам тadbиркорлик билан иш юритиб, мамлакатимиз матбаа саноатини юксак даражага кўтаришни асосий мақсад қилиб олишган.

Шарофат БАХРОМОВА.
СУРАТЛАРДА: корхона ходимлари Яшнар Фаниева ва Флора Эшонқуловалар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар; муқовалаш чеҳида.

Рустам Шарипов
олган суратлар.



Савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари кунига

МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШМОҚДА

Шаҳар аҳолисининг маиший хизматга бўлган талабини қопдириш, хизматнинг зарур турларини кўпайтириш, соҳа ишини тубдан яхшилаш, энг муҳими, маиший хизматни халққа яқинлаштириш борасида талайгина ишларни амалга оширган «Тошшаҳармаишийхизматушма»си жамоаси ўз касб байрамларини ҳар йилгидек кўтаринки руҳда кўтиб олмоқдалар. Уюшма раиси Саидумар АЪЛОЕВ Аёллар йилда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида мамнуният билан қўйидагиларни сўзлаб берди:

— Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 10 октябрдаги 347-сонли қарорига асосан шаҳар аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва тadbirkорлар ишларини яхшилаш ва ривожлантириш мақсадида уюшмамиз туман ҳокимликлари билан биргаликда 1999 йилга ўз тadbирларини ишлаб чиқиб, шу асосда фаолият кўрсатмоқдамиз.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва ривожлантириш асосий вазифаларимиздан саналади. Уюшма таркибига кирган корхоналар ўзлари учун яратилаётган барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини 317323,1 миң сўмда бажарди, 1998 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш даражаси 133,2 фоиз таққил қилди.

Ўтган беш ойи мобайнида режадаги 242 та ўрнига 302 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари очилиб, 638 ишчи ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган, ишлар янги технология асосида ташкил этилган. Пойтахтимизда бугунги кунда маиший хизмат соҳасида 40 дан ортқ кўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчасида хизмат кўрсатиш жаҳон андозалари даражасида ташкил этилганлиги ҳам ҳамшаҳарларимизни мамнун этмоқда. Айниқса, янги хизмат турларининг пайдо бўлиши, хондонларга бориб хизмат кўрсатишларнинг жорий этилаётганлиги ишимиз ривожини таъминламоқда.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини керакли хом ашё ва замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашни таш-

кил этиш учун уюшма қошида доимий кўргазма фаолиятини йўлга қўйдик. Уюшма ташаббуси билан «Файз Холдинг» компаниясида Европа сартарошхона мебеллари ишлаб чиқарилди. Ўз навбатида ушбу замонавий жиҳозни уюшма аъзолари имтиёзли нархда олади-лар. Бундан ташқари хом ашё етказиб бериш мақсадида «Лола атир-упа» ҳиссасдорлик жамияти билан ҳам шартнома тузилган.

Маиший хизмат ходимларининг касб байрамларини биринчи марта «Ҳамза» номидаги академик драма театрида тантанали равишда ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бу ерда энг илғор ва тажрибали, эл-юрт хизмати йўлида доимо камарбаста ходимларимиз муносиб тақдирланади. Шу билан бирга Аёллар йили муносабати билан «Аёл гўзаллиги — олам гўзаллиги» деб номланган сартарошлар кўригининг шаҳар қолиблари аниқланади. Бу кўрикда ҳар бир тумандан 4 нафардан қолиб сартарошлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Қолибларни эса қимматбах соғалар билан тақдирлаймиз.

Пойтахтимизда маиший хизмат соҳасини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшаётган барча ҳамкасбларимизни байрамлари билан қўтлаб, эзгу ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Шарифа ИЛЁСОВА
эзиб олди.



Ҳамшаҳарларимиз

БОЛАЛАРГА МЕҲР

Шаҳримизнинг Юнусовод туманидаги 54-йил-боғчасида ўз касбини севган тарбиячилар уюшмалари кўлаб учратиш мумкин. Мана шу ерда ўн саккиз йилдан буён фаолият кўрсатаётган Ноила Шангарева ва ана шундайлар сирасига киритиш мумкин.

рагини ҳам олиб бориб, ўйинчоқлар ясаш орқали болаларда меҳнатга бўлган муҳаббатни шакллантириб боради. Боғча ҳам маълум бир миқдорда юмшоқ ўйинчоқлар билан таъминланади.

— Ноила Шангарева тарбиячилик қилаётган бўлимда бир ярим ёшдан уч ярим ёшгача бўлган болалар тарбияланишади. У ўзининг ширинсўзу меҳрибонлиги билан мурғак қалбли болаларни ўзига ром эта олади. Бу инсон ўз машғулотларида болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом, зийрак бўлиб вояга етишишларига эришишга ҳаракат қилади. Шу боис жисмоний тарбия, расм чизиш, миллий кулчилик, нутқ ўстириш сингари машғулотлар жараёнида бевосита уйғунлик ҳосил қилишга интилади. Бундан ташқари у «Юмшоқ ўйинчоқлар» тўга-

Ноила Шангарева Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида иш олиб бориб, «Илк ёшдаги болаларда математик тасаввурларни ривожлантириш» мавзусида тажрибавий машғулот олиб боради. Албатта бу ҳам болалар онгининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Кўлаб шогирдлар устози, самимий тарбиячи ўз меҳрибончилиги билан иззат-икром топиб келмоқда. Шу тўғрисида у нафақат жамоа ва шогирдлар, балки ота-оналарнинг ҳам эъзозиди.

Солижон ЗОИРОВ.

СУРАТДА: катта тарбиячи Ноила Шангарева машғулот пайтида.

Муаллиф олган сурат.

Боланинг тили ширин

КЎТАРИШБОРАМАН

— Бу гапингизни кўтаролмайман, دادаси. Жуда оғир, — деди она эрининг гапидан хафа бўлиб.

— Оғир бўлса ўзим кўтаришвораман, — деди онасининг ёнида парвона бўлиб Нури.

РАҲМАТ ДЕМАЙДИ

Бешта ёнғоғин бор. Одамгарчилик қилиб иккитасини ўртоғинга берсанг, ўзингда қанча қолади? — укасиндан сўради акаси.

— Бешта қолади.

— Ўзи бешта-ку. Мунча нўноқсан ҳисобга.

— Нўноқ эмасман. Ўртоғим билан пўм чиқанман. Агар унга берсан индамай олиб кетаверайди. Раҳмат демайди. Биттаям ёнғоқ бермайман. Билдизми?

ЎЗУМЛАРИ ПИШГАН

Дилшод ўйинчоқ машинасининг эскилигини баҳона қилиб, уни бузишга тушди.

— Эски бўлсаям чидамли. Бузмагин, — деди уни қўриб бувииси.

— Ҳозир дадамнинг боғида узумлари пишган. Бозорда узум сотаяптилар. Баҳонада янги машиналик бўлиб қоламан.

БЕГОНАМАС

— Коптоқ ўйнаш ўрнига сабини сиқиб ётган салама, шўра каби бегона ўтларни юлсанг бўлмайди-ми? Боя тайинловдим-у, қизига танбёк берди она.

— Нега бегона бўларкан. Ўзимизнинг ерда Усяяпти-ку, бу ўтлар, кўвернинг, — ишқемаслигини ўзича яширади қизи.

Ғани АБДУЛЛАЕВ.



ХИЗМАТЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

Яқинлашиб келаётган касбий байрам — Савдо ходимлари кунини ва Аёллар йилига бағишланиб шаҳар ҳокимлиги қаҳвахонасида «Аёл сўзи бир жаҳон» деб номланган байрам тadbiri бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Республика савдо, умумий оватланиш, матлубот кооперацияси ва тadbirkорликнинг турли шакллари ходимларининг касбаба уюшмалари марказий кўмитаси ҳамкорлиги ва шаҳар савдо департаменти ҳамийлигида ташкил этилган анжуманга «Уч авлод вақиллари» бўлмиш шаҳримиздаги аҳолига намунали хиз-

мат кўрсатаётган савдо ходимлари ҳамда ушбу соҳада кўп йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлар тақдир этилди.

Хизмати элга манзур аёлларнинг талаблари бўйича шу кунини сеvimли хонанда Сайёра Қозиева, Мирзо Улуғбек туманидаги «Юлдуз» маданият уйининг Каюмжон Осмонов бошчилигидаги «Олтин водий» дастаси хонанда-созандалари дилтортар қўшиқлар кўйлаб, шўх рақсларга тушдилар.

Олимжон ТУРДИБОЕВ.

СУРАТДА: шаҳримизнинг халққа намунали хизмат кўрсатаётган бир гуруҳ савдо ходимлари.

Рашид Галиев олган сурат.

26 июнь — Гиевандликка қарши халқаро кураш кунини

УМР ЭГОВИ

Машҳур уламо Ибн Таймийя айтидики: «Гиеванд моддалари ўз таъсири оқибати жиҳатидан ичкиликдан неча баробар ёмондир. Чунки улар инсон ақли ва мишзанин ишдан чиқаради, инсоннинг энг зарур авзоси бўлмиш кўла ва оёқларини маълум вақтгача ҳаракатсиз қилиб қўяди ва уни шолликка олиб келади». Гиеванд моддалар ўзи ҳаром бўлгач, уни сотиш ҳам, олинган фойда ҳам ҳаром ҳисобланади.

Аллома ибн Ҳажар ал-Мақбий «Ал-фатово ал-Исломия» китобида эътиборли «Гиевандлик моддаларини истемол қилишда бир қанча диний ва дунёвий зарарлар мавжуд. Гиевандлик инсон тафаккурини тўмтоқлаштиради танани-

нг ҳар хил касалликларга чидамлигини йўқотади, хотирани тунд қилиб қўяди, бош оғриққа мубтало қилади, юрак касалига учратади, ақл-хушининг мувоzanатини бузади, сил ва истисқоъ касалини келтириб чиқаради, шарму ҳаёни,

муруват ва инсоний муносабатни кетказди ва ҳоказо.

Бундан ташқари, гиевандлик инсонни ўта ялқов, оилага беларво қилиб қўяди. Кўзни хиралаштириб, тишларни сарғайтиради ва унинг вақтидан олдин тўқилиб кетишига олиб келади. Мазкур «Ал-фатово ал-Исломия» китобида гиевандликнинг инсон ва жамиятга етказиши мумкин бўлган зарарларидан 120 хили санаб ўтилган.

Кейинги йилларда дунёда аёллар, айниқса ёшлар ўртасида бангиллик (гиевандлик) авж олиши жаҳон тиббиёт ходимларини жуда ташвишга солмоқда. Гиевандлик, бангиллик гиеванд моддаларга ўрганиб қолиб, инсонни истемол қилмасдан туролмаслиги, уморлик натижасида келиб чиқадиган касаллик бўлиб, у гиевандлик моддаларини доимий бабул қилиш туфайли вуждуга келади. Гиеванд моддалар касаллик марказий асаб тизими таъсир этади. Танада чўқур ўзгаришларга сабаб бўлади ва

одамини тушқунликка (таназзул)га олиб келади. Касаллик секин-аста ривожлана бориб, сурункали давом этади. Гиеванд моддалар дастлаб ҳурсандчилик, вақтчиоғлик, хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, бора-бора касалликка айланади. Гиевандларнинг кайфияти ўзгарувчан бўлиб, хотираси ва иш қўбилжияти пасая бориб моддалар алмашинуви бузилади, ички аъзолар фаолияти ўзгаради.

Шифокорларнинг кузатишларида булар оқибатида чўқур рухий-жисмоний ўзгаришлар содир бўлади. Жумладан банги одамларда аввал рухий ўзгаришлар, яъни тажаниклик, кайфият бузуқлиги, хотира пасайиши қабул пайдо бўлган бўлса, кейинчалик жисмоний ўзгаришлар терлаш, юрак уриши, оғиз қуриши, озбик кетиш, қўл-оёқ титраши, рангининг сийқилиши, кўз қорачигининг кенгайиши рўй беради.

Бангилликни келтириб чиқарувчи хилма-хил гиевандлик модда-

лари, хусусан гашиш, морфий, кокаин, героин, марихуана мавжуд. Бу моддаларни истемол қилган киши танаси уларга ўрганиб қолади. Гиевандларда ҳаётга, яшашга қизиқиш сўна бориб, улар бора-бора фақат гиеванд моддалар ҳақида, уларни қандай топиш йўллари тўғрисида ўйлайдилар. Агарда банги киши ўз вақтида гиевандлик моддасини қабул қилмаса танада қучли рухий ва жисмоний ўзгаришлар пайдо бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, нашаевандлар тентакмамо қилмади, қилмади, ўзини тутта олмади, турли ранглар, овозларга нисбатан таъсирчан бўладилар. Хуллас, чекиш ҳам, бангиллик ҳам инсонни оғир оқибатларга гирифтор қилади. Ўз саломатлигини, келажак фарзандларини соғлигини ўйлаган ҳар бир одам бу умр заволига ҳеч қачон қўл урмайди.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

ЖАВОҲИРЛАР ЁНДИФИ

Мухаммад Жаҳонгир Мирзо соҳибқироннинг катта ўғли бўлиб, 1356 йилда туғилган. Хондамирнинг ёзишчи, унинг онаси Турмиш Оғадир.

Жаҳонгир Мирзо отаси Темурга ўхшаб бир сўли, қатъиятли ва жасур бўлган. У ёш бўлишига қарамай, ҳарбий илмдан яхшигина хабардор бўлиб, ҳарбий юришларда ўзига топширилган кўшин қисмларига моҳирона бошчилик қилган.

1373 йили Жаҳонгир Мирзо Хоразм шоҳи Ҳусайн Сўфининг қизи Севин бекани (кейинчалик Хонзода бегим номи билан машҳур бўлади) ўз никоҳига олади. Севин бека Ўзбекхоннинг набираси эди. 1374 йилда у Илёс Ясурийнинг қизи Бахт Мулк Оғога уйланди. Аммо Жаҳонгир Мирзо 1376 йилда касал бўлиб, 20 ёшида вафот этади. Ундан икки ўғил қолади. Хонзода бегимдан (Севин бека) Мухаммад Султон Мирзо, Бахт Мулк Оғодан эса Пир Мухаммад Мирзо туғилган эди.

Умар Шайх Мирзо баҳодир Амир Темурнинг иккинчи ўғли бўлиб, 1356 йилда Тулин Оғодан туғилган эди. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишчи, Умар Шайх Мирзо ёшлигиданоқ ҳарбий ишларга иқтидори юксак бўлиб, моҳир чавандоз ва толмас жангчи бўлиб етишган. 1393 йилда соҳибқирон Амир Темур Умар Шайх Мирзони Форс вилоятини забт этиш ишига мутасаддий қилиб тайинлайди. Аини шу пайтда соҳибқироннинг ўзи Миср ва Шомни забт қилиш учун Дибр-Бакар томон йўлга чиққан эди. Шу боис Амир Темур Умар Шайх Мирзони ўз ҳузурига етиб келишини таъкидлаб, одам юборди. Умар Шайх Мирзо Сиржон қалъасини қамал қилиш ишини амир Идигу барлоста топшириб, ўзи йўлга чиқади. Сафар асосида Шавлистон йўли билан юриб, Курдистондан ўтиб бораётиб, йўл чеккасида кичикроқ бир қалъага кўзи тушади. Бу қалъанинг номини Хармоту деб атади. Умар Шайх Мирзо мажмур қалъани яқинроқдан томоша қилиш мақсадида бир тепалик устига чиқиб, қалъа томон назар ташлайди. Шу аснода қалъа ичида отилган ногаҳоний ўқ Мирзонинг кўлиги остидаги кўк томрига тегиб, шу заҳоти ҳалок бўлади. Умар Шайх Мирзонинг жасадини Шахрисабга олиб бориб, темирыйлар даҳмасига дафн этиди. Ундан олти ўғил қолган бўлиб, каттаси Пир Мухаммад Мирзо Шерозий 16 ёшда эди. Ундан кейингилари Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Сайди Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзолар эди.

Мироншоҳ Мирзо Амир Темурнинг учинчи ўғли бўлиб, 1366 йилда Менглибий Оғодан туғилган эди. У ёшлигиданоқ ҳарбий санъатдан маълум даражада хабардор, жасур ва ёнга нисбатан шафқатсиз жангчи сифатида ном таратган эди. Шунингдек, ўта маккор, майхўрлик ва маишатга берилган киши эди.

Мироншоҳ Мирзо 1380 йили 14 ёшидаёқ Темурнинг Хуросон юришида қатнашган. Хуросон забт этилгач, Амир Темур Хуросон ҳукмронлигини Мироншоҳга инъом қилади. 1393 йилда эса Темур Шимолий Эрон, Ироқ ва Закавказиядек улкан мамлакатни идора қилишни Мироншоҳга топширади.

1376 йилда Жаҳонгир Мирзо вафот этгач, унинг катта беваси Хонзода (Севин бека) бегимни 1382 йили Темурнинг хоҳишига кўра Мироншоҳ Мирзога никоҳлаб берилади. Мироншоҳ Хонзода бегимга уйлангач, отаси каби «Курагон» деган лақабга мушарраф бўлади. Хонзода бегим Мироншоҳдан бир ўғил кўради, исмини Халил Султон Мирзо деб атади.

Мироншоҳ Мирзо кейинги пайтларда маишатга берилиб, тез-тез овга чиқарди. 1396 йил кўзида навбатдаги ов асносида отдан йиқилиб, боши лат ёйди. Тарихий манбаларда ёзилишича, ана шу жароҳатдан сўнг, унда бироз мяннинг чағиши аломатлари вужудга келади. У давлат ишларига қарамай кўли ва эртаю кеч айш-ишратга машғул бўлади. Углининг бундай кирдиқорилан хабар топан Амир Темур Султонияга келиб, ўғли Мироншоҳни ҳокимиятдан маҳрум қилади. Урнига Мироншоҳнинг иккинчи ўғли Рустам Мирзони ўтказди.

1408 йил 21 апрелда Мироншоҳ Мирзо Озарбайжоннинг Сардуд мавзесида қора Юсуф билан бўлган жангда 42 ёшида ўлдирилади. Уни Сурхоб туманига дафн қилишади. Бир неча муддат ўтгач, шамс Гурий номли шахс дарвеш кийимида Сурхобга бориб, яширинча Мироншоҳнинг ҳокими олиб Шахрисабга келтириб, темирыйлар даҳмасига дафн қилади. Кейинчалик кимнингдир ташаббуси билан Мироншоҳнинг ҳоки Шахрисабдан Самарқандга келтирилиб, Гури Амир мақбарасига дафн этишади. Айрим маълумотларга қараганда, Мироншоҳнинг ҳоки Султон Абусаид Мирзонинг ҳукмронлик даврида Гури Амирга дафн қилинган.

Мироншоҳдан олти ўғил ва бир неча қиз қолган. Энг катта ўғли Абубақр Мирзо, иккинчиси Умар Мирзо, учинчиси Халил Султон Мирзо, тўртинчиси Суяратмиш Мирзо, бешинчиси Ийжал Мирзо ва олтинчиси Султон Мухаммад Мирзолар.

Шоҳруҳ Мирзо Амир Темурнинг тўртинчи ўғли бўлиб, 1377 йил 13 август (14 раббӣ ул-соний 779) пайшанба куни туғилган. Унинг

онаси Тағой Туркон оғодир. Ғиёсиддин Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Шоҳруҳ Мирзонинг онаси Тағой Туркон оғо соҳибқирон Амир Темурнинг хос канизакларидан бўлган. Хондамир мажмур маълумотни Шоҳруҳ Мирзонинг ўзи туздирган «Насабнома» дан олганигига ишора қилади. Шоҳруҳ Мирзо туғилгач, уни Сарой мулкхоним тарбиясига топширилган.

Нақд қилинишича, Шоҳруҳ Мирзо туғилиши билан бу хушхабарни Амир Темурга etkazmoқ учун саройга хабарчи юборадилар. Хабарчи кириб борган аснода соҳибқирон шатранж (шахмат) ўйини билан машғул бўлиб, қўлини «руҳ» донасига чўзаётган пайтда, хабарчи кириб янги меҳмоннинг дунёга келгани ҳақида хушхабарни etkazadi. Соҳибқирон қўлида ушлаб турган «руҳ» донасига боқаркан, мийғида кулиб исми «Шоҳруҳ» бўлган деган эмиш.

Шоҳруҳ Мирзо 20 ёшигача отаси соҳибқирон ёнида бўлиб, унинг юришларида ва салтанат ишларида қатнашди. 1397 йили унга Хуросон, Сейистон ва Мозандарон ҳокимлигини топширади. Шу даврдан то 1405 йилгача, яъни Амир Темур вафотигача Хуросон ҳукмдори деган ном билан қиёвланади.

Шоҳруҳ Мирзо ёшлигиданоқ аҳкоми шариятга қаттиқ риоя қилар ва диний китобларга қизиқарди. Тарихий манбаларнинг маълумотига қараганда, Амир Темур вафотидан сўнг Шоҳруҳ Мирзо ота тахтига даъвогар бўлиб, Пир Мухаммад Мирзо билан иттифоқ тузиб, Самарқанд ҳукмдори жиёни Халил Султон Мирзога қарши курашади. 1407 йили Пир Мухаммад Мирзо ўлдирилгач, яқна ўзи турли-туман ҳўйллалар ишлайтиб, курашни давом этдиради. Ниҳоят, 1409 йилда Халил Султон Мирзо қўлидан Самарқанд тахтини тортиб олади. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмдорлигини ўзининг тўнғич ўғли 16 ёшли Улўбек Мирзога, Бахл ҳукмронлигини иккинчи ўғли Иброҳим Мирзога, Хисор ҳукмронлигини собиқ валиаҳд, марҳум Мухаммад Султон Мирзонинг ўғли Мухаммад Жаҳонгир Мирзога, Фарғонани эса акаси Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг 22 ёшли ўғли Аҳмад Мирзога инъом қилиб, ўзи Хиротга қайтиб кетади.

Шоҳруҳ Мирзо секин-аста ўз акалари Жаҳонгир Мирзо, Умар Шайх Мирзо ва Мироншоҳ Мирзоларнинг авлодини ҳар хил йўллар билан ўзига тобе қилиб, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Ироқ, Хуросон ва Шимолий Афғонистондан иборат катта бир давлат жилвини ўз қўлига киритади ва «улўғ ҳоқон» сифатида салтанатни бошқаришга киришади.

Шоҳруҳ Мирзо табиатан мутаассиб шахс бўлиб, кўп вақтини китоб муталассига сарфларди. Девон ишлари ва салтанатни ўқтам ва талбиркор хотини малика Гавҳаршод бегим бошқарарди. 1446 йилда қариб қолган Шоҳруҳ Мирзо ўз набираси — Қазвин, Рай ва Кум вилоятларининг ҳукмдори Султон Мухаммад Мирзога (Бойсуғур Мирзонинг ўғли) қарши ғарбга юриш бошлади. Бу юришдан мақсад исёнкор набирасини жазолаш эди. Исёнкор набира — Султон Мухаммад Мирзо бобосининг келаётган хабарини эшитиб, тоққа қочади. Шоҳруҳ Мирзо исённи бостириб қайтаётганда, йўлда 1447 йил 12 мартда 70 ёшида вафот этади. 1448 йили Улўбек Мирзо Хиротни забт этгач, Хиротда ўли Абдуллатиф Мирзони қолдириб, ўзи Самарқандга қайтади. Улўбек Мирзо шу кетишида отаси Шоҳруҳ Мирзонинг ҳокими олиб кетади ва Самарқандда Гури Амир мақбарасига дафн этиради.

Ўғи (Ога) Беги хоним Амир Темурнинг катта қизидир. Хондамирнинг ёзишчи, Ўғи Беги хонимнинг онаси Турмиш Оғадир, яъни Ўғи Беги хоним билан Жаҳонгир Мирзо бир онадан — Турмиш Оғадан туғилганлар.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишчи, Ўғи Беги хоним ақл-идрокда беназир ва ҳусн-латофатда беқиёс бўлган. Амир Темур бу қизини ниҳоятда яхши кўрган ва ўзига яқин тутган эди. Ўғи Бегимни амир Мусонинг ўғли Мухаммадбекка никоҳлаганлар. Ўғи Беги Мухаммадбекдан бир ўғил туққан, исми шарифини Султон Ҳусайн Мирзо деб атаганлар.

1382 йилда Ўғи Беги тўсатдан оғир бедаво касалга учрайди. Табиби ҳозиқларнинг қилган муолажалари фойда бермайди. Ўғи Беги 1382 йил охирида вафот этади.

Султон Бахт бегим Амир Темурнинг иккинчи қизидир. Султон Бахт бегимнинг онаси Ўлжой Туркон Оғодир. Ўлжой Туркон Оғо 1366 йили касал бўлиб вафот этган. Бинобарин, Султон Бахт бегимнинг туғилган йилини 1360-1366 йиллар оралиғи деб тахмин қилиш мумкин.

Султон Бахт бегим табиатан шаддот, ўжар ва эркакларга хос табиатга молик бўлиб, эркак зотини унчалик ёқтирмаган. Султон Бахт бегимни Шер Баҳорнинг ўғли Мухаммад Миркага никоҳ қилинган эди. Амир Темур кўеви Мухаммад Миркага Хуталон вилоятини инъом қилган эди. Бироқ, Мухаммад Мирка қайин-отаси Амир Темурга қарши исён кўтарди. 1388 йилда исён бостирилиб, Мухаммад Мирка ва укаси Абулфатҳ қатл қилинади.

1389 йилда малика Султон Бахт бегим амир Довуд дултоннинг ўғли амир Сулаймоншоҳ (Амир Темурнинг орасининг ўғли) никоҳ қилинади. Малика Султон Бахт бегим 1430 йили Нишопурда вафот этади.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.

Турфа олам

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Баҳорнинг бошида, табиат латофатга тўлганда, дараклар ва новдалар яшил либос кийиб, мёва тўққанда табиатни сеувучи меҳрибон қалдирғочлар узоқ ва узун сафардан қайтадилар. Бу мусофир кушларнинг биринчи галда қиладиган ишлари шудирки, улар ўзларининг ўтган йилдаги уяларини топадилар. Агар уларга зарар етган бўлса, тўзатадилар ёки уялар бузилган бўлса, янгидан курадилар. Уйларни кўриб бўлишгач, она қалдирғочлар тухум қўядилар.

Ҳар бир она қалдирғоч тўрттадан олтигача тухум қўяди. Ўн икки кун уларнинг ёнида ухлайди. Жўжалар тухумдан чиққач, ота-оналар уч ҳафта болалари атрофида бўлишади. Кейин жўжалар ҳам қанот қоқиб, ота-оналари билан бирга учадилар. Ота-оналари уларга ов қилиш усулларини ўргатади. Қалдирғочларнинг онаси, меҳрибонлик бошқа жонворларда йўқ. Агар она қалдирғоч уясининг ёнаётганини кўрса, жўжаларини олиб чиқши учун беларволик билан ўзини ёниб турган оловга ташлайди.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлаган.

ЧАНҚОҒИНГИЗНИ БОСАДИ

• Кулупнайнинг барги ва гулдан дамланган чой чанқоғингизни тезда босади. У фақат чанқоғини босибгина қолмай, баъзи касалликларга ҳам даво бўлади ва қонни тўхтатади. Шунинг одам танасидаги темир моддасининг ҳаракатини фаоллаштиради.

• Маймунжоннинг барги териб олиниб, сўлдириб қўйилади. Сўлиган барг чиройли очилади. Кейин майдалаб қирқилади-да, унга сув пуркалади. Сочикка ўраб, иссиқ уйга 2-3 кун қўйилади. Ана шунда барглар кўпчи атиргўл ҳидини беради. Ундан сўнг газ духовкасида 50-60 даражали иссиқда қуритилиб, оғзи ёпиқ идишга солиб қўйилади. Ундан эса чой дамлаш мумкин. Дамланган чой чанқовбосди бўлади.

АСЛ ҲОЛИГА ҚАЙТАДИ

• Тилла суви югуртирилган чинни буюмларни совуни суви билан ювсангиз ярақлаб туради. Хантал кўкунни ишласангиз, ундан ҳам аъло бўлади.

• Жез ва алюминийдан ясалган буюмлар хира тортиб қолса, уларни сиёҳ ўчирадиган резина билан артиш керак. Ана шунда буюм ўзининг асл ҳолига қайтади.

Дилноза ҒИЁСОВА тайёрлади.

Донишмандлар хазинасидан

СОҲИБҚИРОННИНГ
ФАРЗАНДАРИ

қўлидан Самарқанд тахтини тортиб олади. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмдорлигини ўзининг тўнғич ўғли 16 ёшли Улўбек Мирзога, Бахл ҳукмронлигини иккинчи ўғли Иброҳим Мирзога, Хисор ҳукмронлигини собиқ валиаҳд, марҳум Мухаммад Султон Мирзонинг ўғли Мухаммад Жаҳонгир Мирзога, Фарғонани эса акаси Умар Шайх Мирзо баҳодирнинг 22 ёшли ўғли Аҳмад Мирзога инъом қилиб, ўзи Хиротга қайтиб кетади.

Шоҳруҳ Мирзо секин-аста ўз акалари Жаҳонгир Мирзо, Умар Шайх Мирзо ва Мироншоҳ Мирзоларнинг авлодини ҳар хил йўллар билан ўзига тобе қилиб, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Ироқ, Хуросон ва Шимолий Афғонистондан иборат катта бир давлат жилвини ўз қўлига киритади ва «улўғ ҳоқон» сифатида салтанатни бошқаришга киришади.

Шоҳруҳ Мирзо табиатан мутаассиб шахс бўлиб, кўп вақтини китоб муталассига сарфларди. Девон ишлари ва салтанатни ўқтам ва талбиркор хотини малика Гавҳаршод бегим бошқарарди. 1446 йилда қариб қолган Шоҳруҳ Мирзо ўз набираси — Қазвин, Рай ва Кум вилоятларининг ҳукмдори Султон Мухаммад Мирзога (Бойсуғур Мирзонинг ўғли) қарши ғарбга юриш бошлади. Бу юришдан мақсад исёнкор набирасини жазолаш эди. Исёнкор набира — Султон Мухаммад Мирзо бобосининг келаётган хабарини эшитиб, тоққа қочади. Шоҳруҳ Мирзо исённи бостириб қайтаётганда, йўлда 1447 йил 12 мартда 70 ёшида вафот этади. 1448 йили Улўбек Мирзо Хиротни забт этгач, Хиротда ўли Абдуллатиф Мирзони қолдириб, ўзи Самарқандга қайтади. Улўбек Мирзо шу кетишида отаси Шоҳруҳ Мирзонинг ҳокими олиб кетади ва Самарқандда Гури Амир мақбарасига дафн этиради.

Ўғи (Ога) Беги хоним Амир Темурнинг катта қизидир. Хондамирнинг ёзишчи, Ўғи Беги хонимнинг онаси Турмиш Оғадир, яъни Ўғи Беги хоним билан Жаҳонгир Мирзо бир онадан — Турмиш Оғадан туғилганлар.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишчи, Ўғи Беги хоним ақл-идрокда беназир ва ҳусн-латофатда беқиёс бўлган. Амир Темур бу қизини ниҳоятда яхши кўрган ва ўзига яқин тутган эди. Ўғи Бегимни амир Мусонинг ўғли Мухаммадбекка никоҳлаганлар. Ўғи Беги Мухаммадбекдан бир ўғил туққан, исми шарифини Султон Ҳусайн Мирзо деб атаганлар.

1382 йилда Ўғи Беги тўсатдан оғир бедаво касалга учрайди. Табиби ҳозиқларнинг қилган муолажалари фойда бермайди. Ўғи Беги 1382 йил охирида вафот этади.

Султон Бахт бегим Амир Темурнинг иккинчи қизидир. Султон Бахт бегимнинг онаси Ўлжой Туркон Оғодир. Ўлжой Туркон Оғо 1366 йили касал бўлиб вафот этган. Бинобарин, Султон Бахт бегимнинг туғилган йилини 1360-1366 йиллар оралиғи деб тахмин қилиш мумкин.

Султон Бахт бегим табиатан шаддот, ўжар ва эркакларга хос табиатга молик бўлиб, эркак зотини унчалик ёқтирмаган. Султон Бахт бегимни Шер Баҳорнинг ўғли Мухаммад Миркага никоҳ қилинган эди. Амир Темур кўеви Мухаммад Миркага Хуталон вилоятини инъом қилган эди. Бироқ, Мухаммад Мирка қайин-отаси Амир Темурга қарши исён кўтарди. 1388 йилда исён бостирилиб, Мухаммад Мирка ва укаси Абулфатҳ қатл қилинади.


1389 йилда малика Султон Бахт бегим амир Довуд дултоннинг ўғли амир Сулаймоншоҳ (Амир Темурнинг орасининг ўғли) никоҳ қилинади. Малика Султон Бахт бегим 1430 йили Нишопурда вафот этади.

Тургун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.



Амир Темур кўчасидаги «Олой» бозорининг олд кўриниши.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР



ДУШАНБА, 28

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.40 «Тахлинома»... 8.40 «Муслика ва замон»... 9.10 «Ўзбек киноси ижодкорлари»... 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар... 18.05 «Муслика ва ҳазир»... 18.05 «Мавзу»... 18.45 «Киши олма»... 19.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»... 20.00 «Аммо...»... 20.50 Наталья Фатеева ва Евгений Матвеев «Пестрички» иши»... 21.05 «Хайри тун, шаҳрим!»... 21.30 «Пойтахт»... 21.45 «Дорихона зиватди...»... 22.15 «Бурч ва масъулият»... 22.30 «Пойтахт»... 22.45 «Морена Клара»... 23.00 «Пойтахт»... 23.45 Оҳанглр ва эълонлар... 23.55 Садруллоҳ фильмоар эҳрани... 01.55 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури... 18.00 «Пойтахт»... 18.10 «Ериптош». Мультиўлпм... 18.25 «Сен хахингда ва сен учун»... 18.40 «2000 йилдан сўнг»... 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар... 19.30 «Ахборот» (рус тилида)... 20.00 «Бумеранг»... 20.30 «Ахборот»... 21.05 «Спорт-тайм»... 21.30 «Пойтахт»... 21.45 «Дорихона зиватди...»... 22.15 «Бурч ва масъулият»... 22.30 «Пойтахт»... 22.45 «Морена Клара»... 23.00 «Пойтахт»... 23.45 Оҳанглр ва эълонлар... 23.55 Садруллоҳ фильмоар эҳрани... 01.55 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси... 6.30-8.00 12.30 «Тоғус тилика». Бадий фильм... 14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ... 15.05 Кўрсатувлар тартиби... 15.10 «СНН, Жаҳон англикликлари»... 15.40 «Дурдариш»... 16.00 «Севги йўлида». Телесериал... 17.00 «Интернет» ҳудуди... 17.15 «Куйини топинг»... 17.45 «Мульчархалтак»... 18.05 «Муслика ва ҳазир»... 18.05 «Мелани Гриффит»... 18.45 «Хавт сўкмоқлари»... 19.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»... 20.00 «Время»... 20.35 «Қайсарлар ва довораклар»... 21.25 «Оламда нима гап?»... 21.30 «Спорт клуб»... 21.45 «Сиз кутган учрашув»... 22.00 «Вести»... 22.30 Киносанс «Янги йил совғиси»... 23.50 «Ахборот»... 00.15 Тунги санс «Сенсиз киз». Бадий фильм... 01.40 «Тунингиз оуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

Соат 15.00 га қадар профилантика... 15.05, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор»... 15.30 «Эздалик учун дастлат»... 16.00 «Қарагул-ТВ»... 16.25 «Фақат хотин-қизлар учун»... 16.50 «Эхтирослар асирлигида»... 17.35 «VIP» студиясининг мөҳмони... 18.25 «Ошиқона»... 18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان»... 19.25 «Спорт шарҳи»... 20.20 «Клип-соғва»... 21.30 «30-каналда киноқошом»... 23.15 «Лол-ним демадиган гувоҳ»... 23.50 «Ахборот»

РЖТ

5.00 «Хайри тун!»... 8.00 Маданият янгиликлари... 8.20, 16.00 — «Севги йўлида»... 9.15 «Сихат-саломатлик»... 9.40, 14.45 — Мультиансавлар... 10.00 «Муъжизалар майдони»... 11.00, 14.00, 17.00, 00.45 — Янгиликлар... 11.15 «Биргалликда» дастури... 12.00 «Олтин серия»... 13.40 Бир нодир асар тарихи... 14.15 «Гарри — қор одам»... 14.55 «Юлдузли онлар»... 15.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар»... 17.15 «Куйини топинг»... 17.45 «Шу ерда ва ҳазир»... 18.05 Душанба кунини Познер билан... 18.45 «Киши олма»... 19.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»... 20.00 «Время»... 20.40 Клип Истуду «Улима маҳкумлар рйхати» триллерда... 22.00 «Нигон»... 23.05 Спорт дастури... Баскетбол. Европа чемпионати... Футбол шарҳи

РАТ

6.00-8.45 «Хайри тун, Россия!»... 6.45 «Ҳамминг оғзида»... 6.45 «Кўрсатувлар дастури»... 8.15, 23.05 — «Набатчи киси»... 8.45 «Товарлар — пошта орқали»... 9.10 «Миледи»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.20 — «Вести»... 10.35 «Кичик дайди»... 11.30 «Кутуз»... 12.45 «Мультифильмлар»... 13.30 «Ангонела»... 14.20 «Бойлар ва машҳурлар!»... 15.15 «Рус лотоси»... 16.30 «Минора»... 17.00 «Омелопатия ва саломатлик»... 17.05 Мелани Гриффит «Аеллар ва эркаклар»... 18.30 «Лаббай, жаноб вазири!»... 19.30 «Лаббай, жаноб вазири!»... 20.25 «Марду-майдон»... 20.45 «Сарвиноз»... 21.00 «Давр»... 21.30 «Ешлар»... 22.00 «Сидериз»... 22.10 «Жалолддин Хоразмишох»... 23.05 «Турфа олам»... 23.30 Синема «Миллиардер аёл»... 01.00 «Едингдами»... 01.30 «Янги тонг!»

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга»... 9.40, 19.15, 00.35 — «Йул назорати»... 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТН-6»... 10.10, 00.55 — «Кимики...»... 10.25 «Юлдузлар юлдўзалар хақида»... 16.40 «Шадлод Роза»... 18.40 «Шадлод Роза»... 19.30 «Усмиллар учун сериал»... 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР... 19.30 «Ахборот»... 20.00 «Ешлар худуди»... 21.05 «Моҳир»... 21.30 «Пойтахт»... 21.45 «Туризм хақида»... 22.25 «Спорт оламид»... 22.30 «Пойтахт»

СЕШАНБА, 29

ЎЗТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»... 8.00-8.30 «Ахборот»... 8.30 Республика газеталарининг шарҳи... 8.45 «Янграстин шўх яллалар»... 9.10 «Қусто қомандасининг сув ости саргушашллари»... 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар... 10.05 Янги афишончи урганам... 10.30 «Санъат олами»... 10.50 «Шумтақалар»... 11.20 «Еш колдулар-99»... 12.05 Кундузги санс: «Мю, болагани Мю»... 13.40 «Талаб ва тақдир»... 14.10 «Садокат»... 14.30-15.20 «Маънавият» дастури... 17.55 Кўрсатувлар тартиби... 18.10 «Аралаш»... 18.25 «Наво таралиси»... 19.05 «Икисоидиет норрақаларида»... 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 ЭЪЛОНЛАР... 19.30 «Ахборот»... 20.00 «Ахборот»... 20.30 «Шеър ва шуур»... 21.00 Оқшом эрталлари... 21.05 «Ўзбекистон ХХI асрга интилмоқда»... 21.25 «Ал душени тебратор»... 22.10 «Оталар сўзи — авнинг кўзи»... 22.20 «Эалигин намоиш кўзи»... 00.25 «Доворак Хонбар хақида ривоят»... 01.55-02.00 Бадий тинсоллари

ЎЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури... 18.05 «Қусто қомандасининг сув ости саргушашллари»... 18.55 «Мусликй лаҳза»... 19.00 «Давр»... 19.30 «Ешлар»... 19.35 «Мутолаа»... 19.50, 20.20, 23.25 Эълонлар... 19.55 «Рей Брэддери театри»... 20.25 «Марду-майдон»... 20.45 «Сарвиноз»... 21.00 «Давр»... 21.30 «Ешлар»... 22.00 «Сидериз»... 22.10 «Жалолддин Хоразмишох»... 23.05 «Турфа олам»... 23.30 Синема «Миллиардер аёл»... 01.00 «Едингдами»... 01.30 «Янги тонг!»

ЎЗТВ III

5.00 «Хайри тун!»... 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар... 8.15, 16.00 — «Севги йўлида»... 9.15 «Нигон»... 10.00 Мультоансав... 10.15 Елбегни Петросовнинг «Кулги панорамаси»... 10.50 «Хонки кубубона»... 11.15 «Биргалликда»... 12.00 «Гарога куйилган хаёт»... 13.15 «Оилавий силрлар»... 14.15 «Гарри — қор одам»... 14.45 «Бахтли тасодиф»... 15.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар»... 17.15 «Куйини топинг»

ЎЗТВ IV

Россия жамоат телевидениеси... 6.30-8.00 12.30 «Тоғус тилика». Бадий фильм... 14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ... 15.05 Кўрсатувлар тартиби... 15.10 «СНН, Жаҳон англикликлари»... 15.40 «Бинафша»... 16.00 «Севги йўлида»... 17.00 «Куйини сайёра»... 17.15 «Куйини топинг»... 17.45 «Мульчархалтак»... 18.00 Клип-антракт... 18.05 «Мавзу»... 18.45 «Хавт сўкмоқлари»... 19.45 «Хайри тун, кичкинтойлар!»... 20.00 «Время»... 20.35 «Қайсарлар ва довораклар»... 21.25 «Оламда нима гап?»... 21.30 «Спорт клуб»... 21.45 «Сиз кутган учрашув»... 22.00 «Вести»... 22.30 Киносанс «Янги йил совғиси»... 23.50 «Ахборот»... 00.15 Тунги санс «Сенсиз киз»... 01.40 «Тунингиз оуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.05 «Мусликй тонг»... 9.30 «Даракич»... 10.00, 13.45, 18.00, 19.50, 00.30 — «ТВ-ҳамкор»... 10.30 «Морена Клара»... 11.20 Тонги киносанс... 13.00 «Кичик шаҳардаги дўзах»... 14.10 Кундузги киносанс... 15.30 Мусликй дастур... 16.25 «Фақат хотин-қизлар учун»... 16.50 «Эхтирослар асирлигида»... 17.35 «VIP» студиясининг мөҳмони... 18.25 «Ошиқона»... 18.40 «Сенсиз яшай олмаيمان»... 19.25 «Висол»... 20.20 «Клип-соғва»... 21.30 «30-каналда киноқошом»... 23.15 «Лол-ним демадиган гувоҳ»... 23.50 «Ахборот»... 00.15 Тунги санс «Сенсиз киз»... 01.40 «Тунингиз оуда бўлсин!»

РЖТ

5.00 «Хайри тун!»... 8.00, 11.00, 14.00, 17.00 — Янгиликлар... 8.15, 16.00 — «Севги йўлида»... 9.15 «Нигон»... 10.00 Мультоансав... 10.15 Елбегни Петросовнинг «Кулги панорамаси»... 10.50 «Хонки кубубона»... 11.15 «Биргалликда»... 12.00 «Гарога куйилган хаёт»... 13.15 «Оилавий силрлар»... 14.15 «Гарри — қор одам»... 14.45 «Бахтли тасодиф»... 15.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар»... 17.15 «Куйини топинг»

РАТ

6.00-8.45 «Хайри тун, Россия!»... 6.20 «Ҳамминг оғзида»... 6.35 «Афғис йўли»... 6.45 «Кўрсатувлар дастури»... 8.15, 22.50 — «Набатчи киси»... 8.45 «Товарлар — пошта орқали»... 9.10 «Миледи»... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.05 — «Вести»... 10.35 «Кичик дайди»... 11.30 «Менинг оилам»... 12.30 Мультифильмлар... 12.45, 15.15 — «Муслика, муслика...»... 13.40 «Ангонела»... 14.20 «Бойлар ва машҳурлар!»... 15.30 Пляждики волейбол... 16.30 «Минора»... 17.00 «Омелопатия ва саломатлик»... 17.05 Мелани Гриффит «Аеллар ва эркаклар»... 18.30 «Лаббай, жаноб вазири!»... 19.30 «Лаббай, жаноб вазири!»... 20.20 «Михайл Боярский ва Елена Коренева Светлана Дружининани»... 21.45 «Ужаст Отт Армен Джигарханян билан»

ТВ-6

7.55, 14.10 — «Кундан-кунга»... 9.45, 19.20, 00.45 — «Йул назорати»... 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 19.00 — «ТН-6»... 10.10, 01.05 — «Кимики...»... 10.25 «Бис»... 10.50, 11.50, 13.30, 16.30 — «Хардингиз учун ташаккур!»... 11.00, 19.55 — «Шаҳара-II. Колби оиласи»... 12.10 ТВ-6 кинотеатри «Мухаббат хақида арсона»... 16.10, 02.20 — «Сифат белгиси»... 16.25 «Ашлар»... 17.30 Усмиллар учун сериал... 18.00, 01.20 — «Диск-канал»... 18.30, 22.30 — «Одамлар оламида»... 19.30 «Оловдаги Грейс-II»... 21.00 «Шу кунинг янгиликлари»... 21.30 «Мистер Бин»... 23.00 ТВ-6 кинотеатри «Олов ичид»... 00.55 «Шу кунинг олти янгилиги»... 01.55 «Кизил тўрқина кулдилла»... 02.30 — 02.50 «Севсанг-қара»... 01.45 «Ужаст Отт Армен Джигарханян билан»

«Ойна жаҳон» кўрсатувлари довоми билан «Оқшом»нинг 28 июнида чиқадиган навбатдаги сонда таъинишси.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Иссиқкўлда дам олиш!

«Дилором» пансионати (оромгоҳи)

Чолпон-Ота шаҳрининг ёнида хушманзара ярим оролда жойлашган.

Пляж яқинидаги 2 — 4 ўринли коттежларда яшаш учун барча имкониятлар бор. Спорт майдонлари, дискотека, видеосалон, чойхона ва барлар дам олувчилар ихтиёридадир. Дам олувчилар кунига 3 маҳал овқат тоғлар таъминланади. Улар учун Иссиқкўлнинг хушманзара тоғлариға сайёхатлар уюштирилади.

Пансионат (оромгоҳ) 20 июндан 10 сентябргача дам олувчиларни қабул қилади.

12 кунлик йўлланма нархи 30200 сўм.

«Мерседес» шинам ва қулай автобусида йўлқира ҳақи ҳам қиради.

Тўловларни нақд пул орқали ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали амалға ошириш мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент ш., Нукус кўчаси, 67, «Асака» банкнинг касабга уюшма қўмитаси.

Тел: 120-82-20, 120-82-56.

КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДАВЛАТКАРА!

Ўзбекистон кўзи оғилар жамятига қарашли Тошкент чўтка ва картон махсулотлари ишлаб чиқариси ўқув комбинати — пахта сановатида ишлатиладиган чўткаларни; — буддой тоғазлада ишлатиладиган чўткаларни; — оёқ ва кийим чўткаларни; — ҳужжатлар учун жилдлар (скорошиватель); — қорғозлар учун папкаларни; — картон махсулотларини пул ўтказиш йўли билан

СОТАДИ

Шунингдек, турли ҳажм ва шаклдаги картон махсулотлари учун ҳамда исталган шаклдаги чўтка махсулотларини тайёрлаб бериш мақсадида буюртмалар

КАБУЛ ҚИЛАДИ

Бизнинг махсулотларимиз бошқаларникидан анча арзон. Азиз корхона раҳбарлари ва тадбиркорлар, барчангизни ишлаб чиқариси борасида ҳамкорликка чақирамиз. Мўлоқот учун телефон: 90-88-33, факс: 90-86-37. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Муинс кўчаси, 10-уй. (мўлжал 3-такси саройи).

Тиббиёт маркази сурункали касалиқлар ва ўт пуфагидан тошларни тушириш (тиғсиз жарроҳлик), ичкиликбозлик, кашандалик хасталиқларини даволаш билан шуғулланади. Хасталиқлари: 29-79-21, 24-56-79.

Иш тақлиф қиламиз. Телефон: 98-06-58

Оздириш, лозим бўлса вазингизни ошириш йўли билан соғломлаштирамиз. Телефон: 79-17-95.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР



Катта бўлсам ҳайдовчи бўламан.

Равиль Альбеков сурат-лавҳаси.

Матбаа

Яқинда «Ёзувчи» нашриёти адабиётшунос ва шоир Набижон Қобуловнинг «Ҳаёт сабоқлари» китобини муҳлисларга тақдим этди. Китобнинг олд сўзида қайд қилинишича, «Фард — ўзбек мумтоз адабиёти жағридан бири. Фард, яъни икки сатрнинг ўзи мукаммал шеър вазифасини бажариши керак». Бу ўринда ўзига хос бадиий ижод жағри ҳисобланмиш фардга тўғри таъриф берилганини эътироф этганимиз ҳолда китобдаги асарлар ҳақида тўхталишдан олдин унинг алоҳида-алоҳида сарлавҳаланган, бўлимларга ажратилганлигини таъкидлаш жоиздир. Чунки, китоб муаллифининг умр йўлоғи — филология фанлари доктори, профессор Ғалима Мусина қаламига мансуб кириш сўзидан ташқари яна 30 қисмдан иборат.

Бевосита фардлар таҳлилига киришишдан олдин Набижон Қобулов ушбу жанрда кўп йил самарали меҳнат қилганини уқдириб ўтиш лозим. Илгари унинг турли мавзуда битилган фардларидан иборат «Қалб амири» дея номланган китоби нашр этилган эди. Энди ушбу навбатдаги китобда аввалгисидан фарқли ўлароқ фардлар мавзунини доираси анча кенгайган. Айни чоғда кейинги нашр мазмунан бойиган. Мавзулар хусусида сўз юритилар экан, китобдаги «Мардлик ҳақида», «Бахт ҳақида», «Донolik ҳақида» сингари қатор сарлавҳалар остида берилган фардлар ё мавзунини янгитдан яратилган ёки аввалги мавжудларни кўп жиҳатдан тўлдирилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

Иш қилмаган хато қилмасу, Лекш унинг зўр хатоси — шу. Ушбу «Меҳр ҳақида фардлар» туркумига кирган фардни топиб айтилган, қибмига етган дейиш мумкин. Кундалик турмуш, ўзаро муомала ёки бирор юмушни амалга оширишда вазиятга қараб «Иш қилмаган одам хато ҳам қилмайди», дейиш одат тусига кириб қолган. Муаллифининг топилими, ютуғи шундаки, ана шу ҳалқ тилида кўп учраб турадиган иборани

усталик билан ўринли ҳолда қўлай туриб, унга мос, монанд жумла — кульминацион нуқтани «Лекин унинг зўр хатоси — шунки ма-

ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР

ҳорат билан топа билган. Натигада фард ҳикматомуз нақл, яъни ҳалқ мақоли даражасигача кўтарилган дейиш мумкин.

Тилинг кетса ақлингдан олдин, Билмаверин, сен ортда

қолинг. Бу сатрлар мажмуага кирган «Сўз ҳақида фардлар» таркибидagi фардлар жумласидандир. Маълумки, эл орасида «Оғиз югурини ошга, тил югурини бошга», деган нақл юради. Биз келтирган фард эса мазмунан шу нақлга бироз яқинроқ турсада, лекин асосан бутунлай янгича маъно касб этган. Яъни, унда ҳар бир сўзни етти ўлчаб, бир кесиб гапирмасанг, ақл билан иш юритмай валдирайвер-

санг ҳаётда шубҳасиз ортда қоласан, деган пурмаёно яширин. Шоир шу маънони қисқа, лўнда қилиб икки мисрада қаловини топиб, ифода қилай олган. Китобнинг «Вақт ҳақида фардлар» қисмида:

Ким ҳаётда тўғри қадам ташламайди,
Уша одам яшаб туриб,
Яшамайди

дейлади.

Бу бир қарашда гўё оддий, жўн сўзларга ўхшаб кўринсада, синчиклаб разм солиб, кенг фикр юритилса, унинг ҳикматга мойил фалсафий руҳ билан йўғрилган икки сатр бир байдан иборат эканлигини англаб оласиз. Бу ҳам Набижон Қобуловнинг меҳнати, изла-нишларининг маҳсулидир.

«Китоб ҳақида», «Пахта ҳақида», «Яхшилик ҳақида» ва «Одамайлик ҳақида» сингари фардларида ҳам муҳим, ҳаётий ҳамда фалсафий ўй-мушоҳада сингидирилганлари, одамларга ҳаётда ибрат, йўлланма бўладиганлари анчагина. Ана шу ўринда мазкур фардларнинг ҳозирги мустакиллик даври-мизда ёш авлодини ҳар томонлама билимдон, ҳунарман-нд, умуман баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этишини эслатиб ўтиш жоиз-дир.

Қисқа қилиб айтганда, китобнинг кириш сўзида таъкидланганидек, «Умр буйи оғир меҳнат қилиб, игна билан қудуқ қазиб, ҳаёт лаззатлари, анчик-чўққларини бошидан кечирган, даврнинг алғов-далғовлари даврида келажакка умид билан қараган шоир ҳалқининг буюк кучига суняни, унинг хизматини қилиш кераклигини фарзандларига васият қилиб кетди.

Билсанг отанг мудоасин,
Олгин доим эл дуосин.
Музаффар ТУРОБ.

Фойдали маслаҳатлар

КЎК САЛАТ

Кўк салат номини олган япроқли кўкнинг қуруқ ўзини ёйиш ҳаммага ҳам ёқармайди. Шунинг учун яхшиши ундан салат тайёрлаб кўринг. Бунинг учун кўйидаги масалликларни тайёрлаб олинг: 200 грамм кўк салат, 2 дона тухум, 3 ош қошиқ ўсимлик мойи, 1 ош қошиқ лимон шарабати ёки сирка, 2-3 ош қошиқ сметана ёки майонез,

таъбга қараб туз, қалампир. Бу салатни дастурхонга тортишдан сал олдин тайёрлашнинг тавсия этилиши. Тозалаб ювилган кўк салат ва пишirilган тухум ҳам майдалаб ўғғралаб, идишга солинади. Устидан керакли ўсимлик мойи, сирка, сметана, туз ва қалампирлар солиниб барчаси бир-галликда аралаштирилади ва дастурхонга тортилади. Бундай салатларни ҳар кунни бир марта ейишга одатлансангиз организм учун жуда фойдалидир.

Гулбахор МЎМИНОВА.

Шарқ гурдоналари

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИБ ДОМО БЎЛАВ...

◆ Табибларнинг айтишича, чинни косада сув ичмоқ бошқа идишларга нисбатан яхшироқдир. Кўпчилик ичида идишдаги сувни пуфламаслик керак. Чунки бундай қилиш бошқаларнинг табиатини бузиши мумкин. Сувни ариқдан ётиб ичмай, балки қўл билан ҳовучлаб ичиш керак. Сувни оз-оздан, ҳўплаб ичиш лозим. Сувни дам олмай симириб ичиш жигар касалига сабаб бўлади. Яхши кишиларнинг ёқимли хулқларидан бири шуки, кўза ёки идишдан сув ичишдан аввал юзига қўлини суртиб олади. Бунда юзида тер томчиси бўлса кўза ёки идишга тушмайди. Агар идишга сув томчиси тушса бошқаларнинг табиатини бузади. Ҳикматларда айтилишича, совуқ сув кўпгина касалликларни ва танадаги иссиқликларни йўқотади. Агар кишида ғазаб пайдо бўлса бир-икки қултум сув ичиб юборса ғазаби сўнади.

Бархурдор ибн МАҲМУД.

◆ ҲИҚМАТ. Олтин у зарга дил боғлаган очкўзу айёр энг оғир балоларга сазовор. Донолар: «Зар қидирувчи зор қидирувчи!» — деганлар. Очкўзнинг кўзига тикан ҳам гул бўлиб кўринади.

Азизим, ҳайратли жойи шундаки, бундай кишилар ким ҳақ эканини биладилар, аммо бировга яхшилик қилишни ҳаёлига ҳам келтирмайдилар. Нима топсам ўзимга бўлсин қабилда иш тутадилар. Уларнинг қалби пўлатдай қилинган гунчага ўхшайди. Бу гунчани эса ҳеч қандай баҳорнинг насими очолмайди. Бу тирик ўликларнинг жонига ҳаётнинг лаззатли шарбати таъсир қилмайди.

◆ Қайси бир дил бўлмасин, агар унда тама тўлқини бор экан, доимо домга тушиши хавфи бўлади. Тама ғафлат деворининг пушти-паноҳи, ботил андишалар денгизининг ғоввоси. Байт:

Кимда тама бўлса унда ғафлатдир,
Ғафлат замирида юзлаб оғатдир.

Агар киши тама илгари олинса, бало чоҳига қулайди. Қушларга бок, ўзлари осмонда парвоз қилсалар ҳам ердаги дон тамасидан домга илинади. Фард:

Бир сизим бурдой тегирмон тошини сарсон қилар!
Эй азизим, дунёда ҳар бир бало тамадан ва ҳар бир оғат ёмонликдан юз беради.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР.

◆ ҲИҚМАТ. Адоватга дучор бўлмай десанг мол-дунёдан қўл юв, муҳаббат топаи десанг яхшилик ва эҳсон қил! Байт:

Ҳар ким дунё учун урса агар чанг,
Бало чанги уни айлади сарсон.
Ҳар ким элга бера боилгани асар,
Барча балолардан бўлди соғ-омон.

◆ Касалликка ташловчи кўп молдан етарли бўлган ози яхши.

◆ Таажубки, дунёпарастлар бойлики молдан қидирадилар. Ваҳоланки у қаноатдадир. Роҳатни эса кўп нарсадан қидирадилар, аксинча у оз нарсадандир. Байт:

Учқур оту, янги либосда,
Ҳеч фазилат эмасдир пишқон.
Дунёпараст хуш либослиқнинг,
Юрагида гамидир уммон.
Жон роҳатин изласанг асар,
Қаноатда бўзгандир пишқон!

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ.

◆ Эй азизим, қўлингдан кетган нарсага қайгурма, уни қайтариб бўлмайди. Мол-дунёга қувонма у бир умр сен билан қолмайди. Қайси ишга қўл урсанг унинг оқибатини ўйла, бошингга қийин ишлар тушса муносиб тадбир қўлашни ўрган!

◆ «Нодон дўстан зийрак душман яхши», деб бекорга айтишмаган. Агар сен биров билан дўст тутинмоқчи бўлсанг, ўша кишининг вужудида учта хислат бўлмаса дўстлигингга арзимайди. Улар мана бу назмдагилардир:

Ҳар дўстни, оидла уч хислат бўлмас,
Кеч ундан, дўстлиқка осло арзимас.
Бири вафодорлик, бири сир сақлаш,
Бири молини сандан аямаса баст!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.

Форс, араб тилларидан
Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
ўлонлар
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-49.

Ҳазми — 2 босма таъриф офсет усулида
босилади. Қўзғаткичи А-2

Душанба, чоршаба
ва жума
кўнари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

Нашринг етказиб бериш масалари буйича турар жойлардаги
почта бўлималярига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни
босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.